O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV
F 91100

Шу азиз Ватан — барчамизники

O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❑ 2000 YIL 19 OKTABR PAYSHANBA № 122 (26.672)

ТАШРИФЛАР ЯКУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизматида Украина Президенти Леонид Кучма ва Туркия Президенти Аҳмет Неждет Сезернинг мамлакатимизга расмий ташрифлари ва давлатимиз раҳбари Ислом Каримов билан ўтказган музокаралари якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлди. Унда мамлакатимиз ташқи ишлар вазири А.Комилов ва Ўзбекистон Президентининг матбуот котиби Р.Жумаев иштирок этди.

Украина ва Туркия Президентларининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлди. Ушбу ташрифлар чоғида мазкур давлатлар билан Ўзбекистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва хавфсизлик соҳаларида талай ҳужжатлар имзоланди, томонларни қизиқтирган кўплаб масалалар бўйича фикр алмашилди. Бу мулоқотлар яқин кунларда амалий натижа бериши шубҳасиз.

Анжуманда А.Комилов Украина ва Туркия Президентларининг мамлакатимизга ташрифи самарали бўлганини, ўзаро якдиллик руҳида ўтганини таъкидлади.

Украина Президенти Леонид Кучманинг Ўзбекистонга сафари мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига, транспорт коммуникациясининг ривожланишига янада кенг йўл очиб берди. Туркия Президенти Аҳмет Сезернинг ташрифи эса хавфсизлик соҳасида ўзаро алоқаларни кенгайтиришга имконият яратди.

■ (ЎзА)

НАРКОТИК МОДДАЛАР ВА ГИЁҲВАНДЛИКСИЗ ДУНЁ УЧУН

Бугун Тошкентда «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш. Наркотик моддалар, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашга ҳамкорликда ёндошув» номли халқаро анжуман ўз ишини бошлайди. БМТнинг наркотик моддалар назорати бошқармаси ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан ўтказилаётган Тошкент анжуманида 67та мамлакат ва 44та халқаро ташкилот вакиллари иштирок этишади. Унда гиёҳвандлик моддалари билан ноқонуний савдо қилиш, терроризм ва уюшган жиноятчилик, замонавий шароитда уларнинг ўзаро алоқаларига қарши кураш муаммосига ҳамкорликдаги ёндошувларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган долзарб масалалар муҳокама этилади.

Учинчи мингйиллик бўсағасида инсоният олдида терроризм ва диний экстремизм каби ҳолатлар қаторида энг глобал муаммолардан бири — бу наркотик моддалар, уларни ноқонуний ишлаб чиқариш ҳамда транспортда ташиш бўлиб қолмоқда.

Бугун дунёда айрим мамлакатларда анъанавий равишда наркотик моддалар ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса ушбу соҳа «илғор»лари учун ақл бовар қилмайдиган фойда манбаи бўлиб хизмат қилаяпти.

Айнан гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний ишлаб чиқариш, уларни сотиш ва истеъмол қилишга қарши келишилган ҳаракатлар мақсадида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан БМТнинг наркотик моддалар назорати бўйича халқаро дастури (ЮНДСП) ташкил этилди.

Бугунги «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш. Наркотик моддалар, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашга ҳамкорликда ёндошув» номли халқаро анжуман наркотик моддаларнинг шиддатли равишда тарқалишига ва гиёҳвандликка қарши фаол курашаётган БМТнинг мазкур халқаро дастури ва бутун жаҳон ҳамжамияти учун жуда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистондаги БМТнинг наркотик моддалар назорати бўйича халқаро дастури (ЮНДСП) ваколатхонасининг фаолияти, ушбу Халқаро анжуманни ўтказиш ва унда кўриладиган масалаларнинг долзарблиги тўғрисида БМТнинг наркотика назорати ҳамда жиноятчиликни огоҳлантириш бўйича бошқармаси вакили Антонелла Деледда Титченер ҳикоя қилади.

— БМТнинг наркотик моддалар назорати бўйича дастури Ўзбекистонда кейинги беш йил давомида фаолият олиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ташкилотимизнинг Ўзбекистонда фаол иш олиб боришида гиёҳвандлик моддаларини назорат қилувчи давлат ташкилотларининг кўмаги каттадир. Бунда биз наркотик моддаларга қарши курашувчи ва уларни назорат қиладиган ҳуқуқни ҳимояловчи ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик олиб бораётганимиз катта аҳамият касб этади.

Гиёҳвандлик назорати бўйича дастур фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири — бу Ўзбекистон ҳукуматига даҳшатли наркомания касаллигига чалинган бемор инсонларга ёрдам бериш борасида кўмаклашишдир.

Ўзбекистон пойтахтида ушбу Халқаро анжуман ўтказилиши ҳақида гапирадиган бўлсак, бу нафақат Марказий Осиё минтақаси учун, балки мазкур масалага энг долзарб муаммолардан бири деб қараётган бутун дунё мамлакатлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Анжуманда машҳур олимлар ва экспертлар нутқ сўзлаб, уларда наркотик моддалар назорати бўйича халқаро конвенциялар қўйган масалаларининг бажарилишини таъминлашга асосий эътибор қаратилади. Булардан ташқари гиёҳвандларни даволаш, ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг хавфлилиги тўғрисида кенг ташвиқотлар олиб бориш бўйича қатор давлат дастурларини ташкил этиш масалалари ҳам кўриб чиқилади.

Мен шунга чуқур ишонаманки, анжуман давомида кўриладиган барча масалалар юқорида қайд этилган муаммоларнинг дунё миқёсидаги хавф эканлигини яна бир бор намоён этади.

■ **Аслам АКБАРОВ,**
Беруний АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА

ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Ўзбекистон Тошқи иқтисодий алоқалар вазирлигида БМТнинг Халқаро ҳуқуқ бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) билан ҳамкорликда «Халқаро савдо ҳуқуқи» мавзуида икки кунлик семинар бўлиб ўтди.Семинар ташкилотчилари мамлакатимизда халқаро савдо ҳуқуқи соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини фаоллаштириш имкониятларини ўргандилар.-Тадбирда Ўзбекистоннинг турли вазирлик ва идораларидан келган ҳуқуқшунослар билан бир қаторда, БМТнинг мазкур комиссияси ходимлари С.Базинас ва Ж.Секолек ҳам ўз маърузалари билан иштирок этди.

Семинарда асосан шу пайтгача халқаро савдо-сотикда қийинчилик туғдириб келган муаммоларга оид, хусусан, «Халқаро савдо конвенцияларида жамланган келишувларнинг амалдаги татбиқи», «Ҳукуматлар даражасидаги олди-сотдида шаффофлик ва самарадорликни ошириш», «XXI асрда тижорий фаолият» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ соҳасида иш юритадиган мутахассислар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлишида муҳим аҳамият касб этади.-Шу билан бирга, таъкидлаш керакки, мамлакатимизнинг бу ташкилот сафига кириш жараёнини осонлаштириш учун сўнгги икки йил ичида республикамизда турли халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида «ЖСТ талаблари ва Ўзбекистоннинг унга қўшилиши» ва «ЖСТда музокара амалиёти» каби мавзуларда семинарлар ўтказилган.

■ (ЎзА)

ЙИЛ ОЙ КУН

«ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ»ДА 3 МИЛЛИОНТА СЎЗ ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПАДИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида «Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан «Тилга ихтиёр — элга эътибор» мавзуида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.

Йиғинни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти Беҳзод Йўлдошев кириш сўзи билан очди.

Анжуманда маъруза қилган филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаев қуйидагиларга йиғилганлар эътиборини жалб қилди: биргина Бухоро вилоятида кейинги йилларда 229 та тарихий ном тикланган. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атама қўмитаси саъй-ҳаракати билан 25 та луғат яратилган. Академик Азим Ҳожиев раҳбарлигида «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» нашрга тайёрланди. Ушбу муҳим тадқиқот 3 миллионта сўзни ўз ичига олади. Ҳозиргача 3 жилди нашрга тайёр. Жами 6 жилд бўлади.

БИР ЙИЛДА ИККИ МАРТА ГУЛЛАЙДИГАН ЎРИКНИ КЎРГАНМИСИЗ?

Боғимизда ажойиб ўрик бор. Ана шу ўрик йилига икки бор гуллаб, икки бор ҳосил беради.

Ўрик дастлаб февралнинг охирида гуллайди, май ойи ўрталарида эса меваси етилади. Иккинчиси — июнь ойи бошланишида гуллаб, октябрда мева беради. Кейингисида мевалари бироз майда бўлсада, жуда ширин бўлади. Данакларини айтмайсизми — чақиб есангиз бирам мазали, асти қўяверинг.

Биз қишлоғимиздаги ана шу ўрикни кўриб юрсак-да, ҳалигача ҳайратланамиз, бунинг сири нимада экан, деб. Дўстлар, сизлар ҳам ўйлаб кўринг-чи, бу қандай юз бераркин? Ёки сизлар ҳам бир йилда икки марта гуллайдиган ўрикни кўрганмисиз?

■ **Янгибой ЖАЛОЛОВ,**
Жиззах вилояти Арнасой тумани

СУВ БИЛАН ОБОД ОЛАМ

Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси GEF лойиҳаси агентлигининг «Сув ресурсларидан ва атроф-муҳитдан оқилона фойдаланиш бўйича Ўзбекистон аҳолиси ўртасида жамоатчилик фикрини шакллантириш стратегияси» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар китобда атроф-муҳит учун сувнинг аҳамияти, сув таъминоти тармоқларини сақлаш ва такомиллаштириш, анъанавий суғориш воситаларидан фойдаланиш масалалари атрофлича ёритилганини қайд этдилар.

■ **Забаржад БОБОЖОНОВА**

ВАТАН КАБИ АЗИЗ

Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институтида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 11 йил тўлиши муносабати билан «Тил — Ватан каби азиз» мавзуида ҳуқуқий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда институтнинг маънавият-маърифат ишлари бўйича ректор муовини Даврон Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Абдуқаҳҳор Иброҳимов, «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси мудири, профессор Карим Назаров, «Давлат ҳуқуқи» кафедраси мудири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Абдужаббор Тўлагановлар амалга оширилаётган ишлар, вазифалар, ҳуқуқий терминлар муаммолари ҳақида гапирдилар.

Тадбир баҳс-мунозарага бой бўлди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

■ **Акрамжон ХЎЖАМОВ**

Фаррух ҲАМИДУЛЛО тайёрлади

СИФАТЛИ ВА ТЕЗКОР

Йилдан-йилга уяли алоқа хизматидан фойдаланиш имконияти кенгайиб бормоқда. Фарғонада мамлакатимизда фаолият юритаётган «Коском» Ўзбекистон — Америка уяли алоқа компаниясининг яна бир «Коском-Водий» шоҳобчаси иш бошлади. Ушбу уяли алоқа тармоғи ҳам жаҳонда кенг қўлланилаётган рақамли ахборот узатиш GSM стандарти асосида ишлайди. GSM Европа умумий стандартига айланган бўлиб, ўзининг сифати ва кенг тармоқли тезкор ахборот алмашуви билан ажралиб туради. Энди фарғоналиклар ҳам мана шундай алоқа тизимидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Шу ўринда айтиш жоизки, жорий йилда «Коском» компанияси бизнесда эришган ютуқлари, янгича ғоялар ва ишбилармонлик, ташаббускорлиги учун Европа Иттифоқининг «Euro Market Award 2000» мукофотига сазовор бўлди.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

ТАШРИФДАН СЎНГ

ТОҒЛАР ЕЛКАДОШ БЎЛСА...

Икки юртнинг фозилу донишлари, буюкларидан ҳар икки халқнинг баб-баравар ғурурланиши қон-қардошлик, бир-бирига томирдошлик фазилатидан. Адабиёти, санъати, маънавияти уйғун миллатларнинг келажак сари интилиши ҳам муштарак бўлади. Ўзбек билан туркнинг орасида тилмочлик қилинмайди. Улар бир-бирини яхши тушунади. Англайди. Бир-бирининг салоҳиятидан, яхши кунидан фахр-ифтихор туяди. Қардош, қондош деган сўзларнинг моҳияти ҳар икки халқнинг ботинига улкан кучқудрат бахшида этади. Ана шу ботиний боғлиқликни ҳеч бир куч узиб ташлай олмайди.

Биз туркиймиз, эътиқодимиз, динимиз, қадим маданиятимиз, бугунимиз бир. Шу бирлик замирида ҳаёт саҳнида униб-ўсмоқдамиз. Турк ёнида ўзбек борлигини ҳис қилса, ўзбек туркнинг ҳаммаслак эканлигидан қониқса, дунё сиёсатида ҳар икки давлатнинг ўз ўрни ва қиёфасига эгалиги эътироф этилса, биз ўзбеклар учун, қадрдонимиз турклар учун бундан ортиқ сурур бормикин?! Бу икки биродарнинг бир-бирига елкадошлиги эмасми?! Бир-бирига елкадошлар эса ҳамиша барча қийинчиликлар, оғир чоғларни енгиб ўтади.

Қузатган бўлсангиз, Туркия ва Ўзбекистон мамлакати ўртасида барча соҳадаги муносабатлар, ҳамкорликлар ҳақида республикамиз нашрларида, радио-телевидениеда батафсил тўхтаб ўтилди. Иқтисодий, маърифий йўналишдаги боғлиқлигимиз оламжаҳон. Буни мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган туркиялик ишбилармонлар, компания ва фирмалар раҳбарлари ҳам эътироф этадилар. Алоқаларимиз кундан-кунга изчил ривожланиб бормоқда. Икки дўст давлат бугунги кунда бир-бирини энг ишончли ҳамкор сифатида билади.

Бугун иқтисодий ҳамкорликнинг юксак намунасини ҳар қадамда учратишимиз мумкин. Халқларимизда улуғ фазилат бор. Мен шу ишни қилдим, шу ишни амалга оширдим деган миннатли гапни елкалаб юрмайди. Яхшиликни кўз-кўз қилишни эп кўрмайди. Шу ўринда айтиш жоизки, турк ўзбек тупроғида қандай эзгу ишни амалга оширмасин ёхуд ўзбек Туркияда қандай ишни бажармасин, энг аввало шу менинг виждон амрим эди, қадрдоним учун амалга оширилиши лозим бўлган юмуш деб қарайди.

Куни кеча матбуот орқали бир гапни ўқиб янада фахрландим. Ҳамкасбимизнинг ёзишича, Туркияга Ўзбекистонимиздан борган сайёҳлар маҳаллий фуқаро қаторида кўрилар экан ва Туркия музейларига кириш учун маҳаллий фуқаро билан бир хилда нарх тўларкан. Ваҳоланки, Туркия давлатига борган чет элликлар музейларни томоша қилиш учун ерлик аҳолига қараганда қимматроқ пул тўларкан. Гап бу ўринда музейга неча пул тўлаб киришда эмас, гап эътиборда, иззат-ҳурматда. Гап ўзбекни туркдан айри кўрилмаслигида. Гап ўзбек билан туркнинг эт ва тирноқлигида. Мана шу ҳолатнинг ўзи икки қудратли давлатнинг барча-барча соҳаларда нечоғлик бир жону бир тан бўлиб муносабатга киришишга чиройли изоҳдир.

Бугун инсоният ҳаётига терроризм деган бало хавф ва таҳлика солиб турибди. Ер юзи халқлари тинчлиги ва осойишталигининг кушандаси бўлган террорчиларга қарши курашиш учун қатъият билан иш олиб бораётган Ўзбекистон раҳбариятининг сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаётган давлатлар сафида Туркиянинг борлиги бизни қувонтиради. Сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг «Мингйиллик саммити» доирасида кечган учрашувдан қайтаётган Президентимиз терроризмнинг бутун инсониятни ҳалокат жарига бошловчи қабоҳат эканлигини айтиб ўтган эдилар ва дунёнинг йирик сиёсатчилари даврасида халқимиз тинчини бузаётган халқаро террорчиларга қарши биргаликда курашиш ғоясини илгари сурган эдилар.

16-17 октябрь кунлари Туркия Республикаси Президенти Аҳмет Неждет Сезер расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Музокаралар чоғида ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳалардаги алоқаларимизни кенгайтириш масаласи атрофлича кўриб чиқилди. Мамлакатимиз ва Туркия Республикаси Президенти яна бир муҳим ҳужжатга имзо чекдилар. Бу террорчилик, наркотик моддалар контрабандаси, уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги баёнотдир.

Ҳаммамизга аён — терроризм бу офат, барча тинчликсевар халқларни қириш, уларнинг осуда ҳаётини издан чиқаришни ният қилган касофат. Шу ўринда терроризм уруғини қуйдириб ташлаш учун Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлиги, уларнинг ўзаро тажрибалар асосида иш бошлаши ижобий самара беришига шубҳа қилмаймиз.

Яна бир гап: бугун Туркия билан Ўзбекистон орасидаги ўзаро муносабатларнинг янада юксалиши нафақат ўзбек ва турк, балки жаҳон халқлари, тинчлик ва осойишталик, тараққиёт томон юз бурган башарият тақдирида ёруғ из қолдиришга уриниш деб қаралмоғи керак. Чунки ҳар икки давлат тараққиёти дунё келажаги билан чамбарчас ижобий силжишларга боғлиқлигини унутмаслигимиз керак.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

СУД ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ

Туркияда таниқли ислом арбоби Фатхулла Гюленни мамлакатнинг дунёвий конституциявий тизимини ағдаришга уринганликда айблашга доир суд жараёни бошланди. Ф.Гюлен ислом давлатини ўрнатишга уринишда ва давлат, ҳукумат органларида ҳамда маориф соҳасида маслакдошларидан иборат ташкилот тузишда айбланмоқда. Суд Ф.Гюленнинг ишини унинг иштирокисиз кўриб чиқмоқда. Агарда суд уни айбдор деб топса, Ф.Гюлен 10 йил муддатга қамалиши мумкин. Би-Би-Си радиостанциясининг хабар беришича, Фатхулла Гюлен айни пайтда Америка Қўшма Штатларидадир. Судга унинг соғлиги ёмонлиги сабабли Туркияга кела олмаслиги ҳақидаги шифокорлар хулосаси топширилди.

■ **(ЎзА)**

XXI АСР — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР АСРИ!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:

«Ўзбекистон овози»	— 220
«Голос Узбекистана»	— 121
«Осиё бозори»	— 174

ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

«СИЁСАТ» КЛУБИ МАШҒУЛОТИ

2000 йил 18 октябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги «Сиёсат» мунозара клубининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

Йиғилишда клуб аъзолари — Марказий Кенгаш, Тошкент шаҳар ва вилоят партия кенгашлари масъул ходимлари, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда «Мулоқот» журнали вакиллари, шунингдек, республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси ходимлари, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабалари қатнашдилар.

Муҳокамага қўйилган долзарб масала — Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг ёшлар ўртасида олиб бораётган фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар мунозара қатнашчилари эътиборини тортди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов сўзида таъкидланганидек, партия, давлатимиз раҳбариятининг ёшлар сиёсати ўзанларида ҳаракат қилиб, муайян тажриба орттирди. Шу билан бирга, партия ташкилотлари амалиётидаги сиёсий клублар, мулоқот, давра суҳбатлари, бошқа тадбирлар ёшлар олдида турган муаммоларни кўтараётган, жамоатчилик диққатини жалб қилаётган бўлса-да, уларни ҳал этишда етарли даражада таъсир кўрсата олмаётир.

Ёш авлодда фаол фуқаролик фазилатларини, уларда мустақил фикр юритиш, муқобил фикрни билдириш кўникмаларини шакллантириш, ҳозирги ёшлар орасидан бўлғуси етакчилар, сиёсий ва иқтисодий фаол кишиларни аниқлаш мазкур масалаларга янгича ёндашишни, бунда ишнинг замонавий шакл ва услубларини қўллашни талаб қилади.

Шу боис, ёшларга хизмат қиладиган, уларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий манфаатларини ҳимоя этадиган нодавлат нотижорат ташкилотларни тузиб, ушбу ташкилотлар орқали истеъдодли ёш олимлар, талаба ва ўқувчиларга ҳомийлик қилиш, мукофот ва грантлар таъсис этиш, ишсиз ёшларга иш топишда ёрдам бериш мумкин.

Ёшларнинг баҳс-мунозара маданиятини оширишга, мавзу юзасидан эркин сўзлашга, уларнинг фаоллигини оширишга бундай жамоат ташкилотлари зарур ёрдам бера олади. Ушбу вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳузурида «Истиқбол» ёшлар клубини тузиш мақсад қилиб олинди. Унинг фаолияти, «Ёш ижодкорлар», «Ёш сиёсатчилар», «Бўлажак сайловчилар», «Ёш лидерлар», «Бўлажак ҳуқуқшунослар», «Ёш журналистлар», «Ёш экологлар» каби шўъбалар орқали ташкил этилди.

Ёшлар ўртасида сиёсий партияларга қизиқиш ортиб бораётганлигини инобатга олиб, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, халқаро терроризм, диний экстремизм масалалари бўйича ҳамда талабаларни Ўзбекистон ХДП фаолияти билан таништириш мақсадида, партия Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят ташкилотлари раҳбарлари, олимлар ва дин арбоблари иштирокида, очиқ мулоқот, суҳбатлар ўтказиш мўлжалланмоқда.

Машғулот қатнашчилари — Ўзбекистон ХДП МК масъул ходими М.Ельшов, Шайхонтоҳур туман партия кенгаши биринчи котиби Ҳ.Бобохонов, Юнусобод туман партия кенгаши ҳузуридаги ёшлар клуби раҳбари А. Турдиалиев, Тошкент давлат педагогика университети талабаси М. Солиев, Яккасарой туман партия кенгаши иккинчи котиби В. Ли, «Ўзбекистон овози» газетаси ходимлари А. Султонов, Қ. Норқобилов, «Камолот» жамғармасининг Тошкент вилоят бўлими ходими Н. Маматов, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ходими З. Холмирзаев, Собир Раҳимов туман кенгаши партия ташкилотчиси Х. Абдувоҳидов ва бошқалар, «Истиқбол» ёшлар клубини тузиш тўғрисидаги ғояни маъқуллаб, фойдали таклиф ва мулоҳазаларни билдирдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

НОМЗОД БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига 189-Сўх сайлов округидан бўшаб қолган депутат ўрни учун кўрсатилган номзодлар сайловчилар билан учрашмоқдалар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан шу округдан кўрсатилган номзод, республика «Пахтабанк» бошқаруви раиси Жамшед Сайфиддинов ўз дастури билан сайловчиларни таништирмоқда. Республикадаги обрўли банклардан бирининг раҳбари номзодини сайловчилар қўллаб-қувватламоқдалар. Сўх тумани марказидаги маданият уйи биносида бўлиб ўтган учрашувда номзоднинг ишончли вакили, Демурсанд маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сулаймон Ҳамалов, шифокор Резим Ибрагимов, шоир Садриддин Ҳушёрий ва бошқалар номзоднинг ҳаёт йўли, мамлакатимиз тараққиёти, банк тизимининг ривожи соҳасида қилган катта ишлари ҳақида гапириб, у депутат бўлиб сайланганидан кейин ҳам халқ, Ватан учун куйиб, ёниб ишлаши ҳақида сўзладилар. Маълумки, 189-Сўх сайлов округи сайловчиларининг бир қисми Риштон туманида ҳам яшайди. Риштон тумани маркази, Қайрағоч, Дутир қишлоқ фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтган учрашувларда сўзга чиққан нотиқлар номзодни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, сайловчиларни унга овоз беришга чорладилар. Номзоднинг ишончли вакилларидан бири, Дутир маҳалла фуқаролар йиғини раиси, шоир Баҳодир Исо ўзининг номзодга бўлган ҳурматини шеърий сатрларда баён қилди.

Учрашувларда сўзга чиққанлар партиямиз номзодини тўлиқ қўллаб-қувватлаб, барчани Жамшед Сайфиддинов учун овоз беришга чақирмоқдалар. Зеро, унинг дастури пишиқ-пухталиги, шу округ ҳудудидаги қишлоқлар тараққиётини янада ривожлантиришга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

АҚИДАПАРАСТЛИК — ИЛЛАТ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирғали туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги «Нилуфар» маҳалласида «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» шиори остида «Ўзбекистонда виждон эркинлиги масалалари ва диний экстремизмга қарши чора-тадбирлар» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Туман кенгаши биринчи котибаси Ёқутхон Исҳоқова «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» ҳаракат дастури тўғрисида йиғилганларга маълумот берди.

Анжуманда сўзга чиққанлар ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини, уларнинг машғулотларидан доимо бохабар бўлиб, атрофидагилар кимлар эканлигини суриштириб туришликни қайд этишди. Муҳит бола тарбиясида оила каби ўта таъсирчан.

Йиғинда Тошкент давлат техника университетининг этика-эстетика кафедраси мудираси Фотима Пирматова экстремизм, фундаментализм ҳамда ақидапарастлик хусусида сўзлар экан, жумладан шундай деди: «Ўзингиз ўйлаб кўринг, шундоқгина қўшни мамлакатлардаги аҳолининг маълум қисми очликда, қашшоқликда ҳаёт кечирмоқда, баъзилари эса хорижий давлатларга қочиб кетишмоқда. Улар бойиш, мансабдор бўлиш учун кетмаяпти, балки тинчлик ахтариб кетишмоқда. Осойишталик истаб сарсон-саргардон бўлишмоқда. Аввало биз осойишталигимизнинг қадрига етишимиз керак».

«Нилуфар» маҳалласи нозири Учқун Йўлдошев: «Халқ демократик партияси ташаббуси билан «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» шиори остида ўтказилган семинар жойларда кенг омма томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Фарзандларимиздан доимо кўз-қулоқ бўлиб турсак, тарбиясига аҳамият берсак ҳеч қачон кўз ёшига ҳожат қолмайди», — деди.

Шунингдек, йиғинда сўзга чиққанлар аҳолининг янада фаолроқ бўлишини, бундай анжуманлар теварак-атрофда нималар бўлаётганидан огоҳ этишини таъкидлашди.

■ **Юсуф ЖЎРАЕВ**

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгашида «Котиблар соати» бўлиб ўтди. Унда ички партиявий масалалар ҳамда партия марказий матбуот нашрларига 2001 йил учун обунанинг бориши тўғрисидаги аҳвол таҳлил қилинди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Жондор туман кенгаши ташаббуси билан, бир гуруҳ партия фахрийлари, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда «Мулоқот» журналига, 2001 йил учун имтиёзли тарзда, обуна бўлишди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши, вилоят ҳокимлиги, вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази, республика фан ва техника маркази вилоят бўлими билан ҳамкорликда, «Баркамол шахснинг шаклланишида маънавият, миллий мафкура ҳамда ҳуқуқий тарбиянинг ўрни ва аҳамияти» мавзуида, илмий-амалий конференция ўтказди.

* * *

ХДП Тўрақўрғон туман кенгаши, туман «Маънавият ва маърифат» маркази, туман хотин-қизлар қўмитаси ва «Камолот» жамғармаси маҳаллий бўлими билан биргаликда, пахта йиғим-теримида қатнашаётган деҳқонлар, механизаторлар, ҳашарчилар орасида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этмоқда.

* * *

Ўзбекистон ХДП Чуст туман кенгаши фаоллари йиғилишида партия матбуот нашрларига 2001 йил учун обунани уюштириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

Наманган вилоят партия кенгашида бўлиб ўтган шаҳар ва туман кенгашлари биринчи котибларининг навбатдаги йиғилиши Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг 9 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни муносиб кутиб олиш масалаларига бағишланди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Асака шаҳар кенгаши, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда, Халқаро қариялар кунига бағишлаб, меҳр-мурувват кунларини ўтказди. Ушбу тадбир давомида, 60 дан ортиқ, ёрдамга муҳтож қарияларнинг уйлари қиш мавсумига тайёрланиб, енгил таъмирлашдан чиқарилди.

* * *

Жалақудуқ туман халқ таълими бўлими ХДП ҳудудий бошланғич ташкилотида, Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларнинг, «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» шиори остидаги, халқаро террорчилик ва диний экстремизмга қарши курашиш бўйича, Қўшма баёноти ҳамда ҳамкорликдаги амалий ҳаракатлар Дастурини ўрганишга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Хўжаобод туман кенгаши, Абдулла Қаҳҳор номли жамоа хўжалигида, «Миллий истиқлол ва мафкура» мавзуида, «давра суҳбати» уюштирди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Дастури ва Низомини ўрганишга бағишланган йиғилишлар Марғилон шаҳридаги 2, 15, 25, 36-болалар боғчалари ҳудудий бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтди. Ушбу тадбир давомида мазкур муассасалар тарбиячиларидан 50 нафари Ўзбекистон ХДП аъзолигига қабул қилинди.

* * *

ХДП Боғдод туман кенгаши ҳузуридаги сиёсий-мунозара клубининг навбатдаги машғулоти «Халқ фаровонлигини ошириш — барчанинг иши» мавзуига бағишланди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Олтиариқ туман кенгаши, янги оила қуриш арафасида турган ёшлар билан, «Ватан остонадан бошланади» мавзуидаги учрашувни ташкил этди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши фаоллари иштирокида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман Бурхониддин ал-Марғинонийнинг тарихий мероси ва унинг «Ҳидоя» номли асарининг бугунги аҳамиятига бағишланди.

* * *

Шаҳрисабз туманидаги «Кумуш» ҳиссадорлик жамияти ХДП бошланғич ташкилотининг навбатдаги йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг III сессияси ҳужжатларини ўрганиш ва тарғиб қилиш масалаларига бағишланди. Шунингдек, йиғилишда партия ҳаётига боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши, туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Темурийлар тарихи Давлат музейи жамоаси билан ҳамкорликда, «Халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш — барчанинг бурчи» мавзуида, илмий-амалий семинар машғулотини ўтказди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг ижроия бюро йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия марказий матбуот нашрларига 2001 йил учун обунани бориши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ФАН — ИЗЛАНИШ ДЕМАК

Ватанимиз, халқимиз фаровонлиги йўлида замонавий мутахассислар тайёрлаб берувчи олий даргоҳлардан бири Тошкент кимё технология институтидир. Институт Марказий Осиё регионида ўзининг салмоқли мавқеига эга. Институтда бакалавр ва магистратура босқичлари бўйича ўқитиш яхши йўлга қўйилган. Талабалар бакалавр босқичида фундаментал фанлар ҳамда мутахассис фанлари бўйича билим олишади. Магистратура босқичида эса олинган билим ва тажрибалар янада бойитилади. Соҳа бўйича янгилик яратилади. Институтда таълим олаётган магистрантларга замонавий мавзулар берилган. Буни айниқса «Пластмасса ва ёғочни қайта ишлаш технологияси» кафедраси мисолида кўришимиз мумкин. Кафедрада саноатимиз ривожланиши учун кўп илмий ишлар амалга оширилган. Профессор Т. Абдурашидов бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар кундалик турмушимиз учун зарур линолеум устида илмий изланишлар олиб борди. Илмий изланишлар натижасида линолеумнинг кўпгина физик ва кимёвий хоссаларининг яхшиланишига эришилди. Линолеумнинг олдингиларидан кўра узоқ вақт фойдаланишга, сувга, қуёш нурларига чидамлилигини оширишга эришилди. Ҳозирда бу линолеум Оҳангаронда тайёрланмоқда. Профессор Ф. Магрупов бошчилигида ёғоч чиқиндилари ва маҳаллий хомашёлар устида илмий ишлар олиб борилди. Изланишлар натижасида республика мебель саноати маълум маънода ривожланди ва олдинлари ташлаб юборилаётган ёғоч чиқиндиларидан тўлиқ фойдаланишга эришилди. Республикамизда ишлаб чиқарилаётган мебеллар мустаҳкамлиги оширилди. Бизга маълумки кўпгина корхоналар ишлаб чиқариш жараёнида атроф-муҳит экологиясига сезиларли таъсир кўрсатади. Чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ва чиқиндилардан тўлиқ фойдаланиш мақсадида профессорлар Ф. Магрупов, М.Алимуҳамедовлар бошчилигида бир гуруҳ олимлар илмий изланишлар олиб бордилар. Улар корхоналарда чиқинди сифатида ташлаб юборилади ган фуран чиқиндиларини ўргандилар ва бу чиқиндилар асосида турли хил кўпик пластиклар олишга эришдилар. Бир пайтлар ишлатилмасдан ётган бу чиқиндилар ҳозирда Самарқанд музлатгич ишлаб чиқариш корхонаси музлатгичларида, қурилишда, ипак қуртларига ҳимоя яшиклари ишлаб чиқаришда қўлланилмоқда. Бу кўпик пластикларнинг яхши томонлари шуки, пластиклар 35 С да ҳам ўзиниг хоссаларини ўзгартирмайди. Бундай пластиклар жуда енгил ва ўзидан иссиқ ва совуқни, товушни деярли ўтказмайди. Бундай кўпик пластиклар мустаҳкамлиги бўйича тахтага яқин туради. Улардан турли хил уйрўзғор буюмларини, электротехника асбобларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Кафедра республикамиздаги кўпгина корхоналар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Жумладан, Оҳангаронлинпласт корхонаси, Жиззах пластмасса корхонаси, фуран бирикмалари асосидаги Фарғона кимё корхонаси ва Тошкент лок-бўёқ корхонаси шулар жумласига киради. Бу корхоналарда кафедрада ишлаб чиқилган янги технологиялар синаб кўрилади. Кафедра Қашқадарё воҳасида, Канада, Германия ва Япония каби ривожланган давлатлар билан ҳамкорликда қурилаётган «Шўртангаз кимё комплекси»га бу йилги битирувчи бакалаврлардан махсус группа тайёрламоқда. Кафедрада 12 та ишлаб чиқариш технологиялари услублари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Доцент Й.Салимсоқов бошчилигида резина устида иш олиб борилиб, унинг сифатини яхшилашга эришдилар. Улар ишлаб чиқарган усуллар асосида пойтахтимиз метрополитени, трамвай ва троллейбуслар, автомобилларнинг тўхтатиш қисмлари яратилди. Бу маҳсулотлар ўзининг ейдирилишга чидамлилиги, ҳар хил ҳароратларда яхши ишлаши билан ажралиб туради, чунки бу маҳсулотлар ҳам четдан валюта ҳисобига келтирилар эди.

■ **Қодир РЎЗИҚУЛОВ, Тошкент кимё технология институти магистри**

Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида ягона темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Сурхон» комбинати ҳиссадорлик жамияти бор. Кейинги йилларда жамият иқтисодий инқирозга юз тутган эди. Корхонага Ҳотам Улуғбердиев раҳбар этиб тайинланганидан сўнг ишда ижобий силжиш бўлди. Корхона раҳбарияти йил бошида Англиянинг «Еврокомис» компанияси билан 36 миллион сўмга шартнома тузиб, маҳсулот етказиб берди. Ана шу компания билан яна 60 миллион сўмлик шартнома имзоланди. Жамият ўзининг сифатли маҳсулоти билан дунё бозорига йўл топмоқда.

Суратда: 1. Ишчи Чори Тожиев. 2. Иш жараёнидан лавҳа.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**





ТАШАББУС ҚУЛОЧ ЁЙДИ

Пахтачи тумани аҳли Бобомурод Тошевни хайрли ишлар билан ном қозонганлиги туфайли ота дейишади.

Ўта камтар инсон Бобомурод ота 72 ёшга тўлган бўлса-да, серҳаракат, хушчақчақ, барчага меҳрибон, ғамхўр.

Ота қирқ йил педагог бўлиб ишлади. Ҳозир пенсияда. Лекин истиқлол кўйида ёниб яшаш, юрт ободлиги, келажаги учун умрни бахшида этиш каби мақсадлар отани хайрли ишларга бошлади. Жумладан ота 1991 йилда мустақиллик шарофати туфайли Оқтош сут заводи таркибидаги Пахтачи сут қабул қилиш пункти негизида янги сут заводи қуриш ҳақида таклиф билан чиқди. Таклиф туман раҳбарлари томонидан маъқулланди.

1994 йилда Пахтачи сут заводи қурилиб пишлоқ, шўрпишлоқ, махсус ивитилган қатиқ каби маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди ва туман, вилоят марказидаги аҳолига мунтазам етказиб бериш йўлга қўйилди.

1997 йилда корхонада 50 ходим ишлаб, 800 минг сўм соф фойда олинган бўлса, 1999 йилда эса ишчи ўринлари 75 тага етказилиб, олинган соф фойда 14,8 миллион сўмни ташкил этди.

Бу йилдан эса маҳсулот тури кўпайтирилиб, Самарқанд, Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, пойтахт Тошкент аҳолисига етказиб берилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхона тумандаги 21, 25-ўрта мактабларни оталиққа олган. Ўқувчиларга меҳр-мурувват кўрсатишда Бобомурод отанинг хизматлари беқиёс. Шунингдек, «Қарнаб Ота» қишлоғида жойлашган 52-мактаб-интернат тарбияланувчиларини ҳам доимий сут маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда ва мактаб биносини таъмирлашда ёрдам кўрсатаётганлиги таҳсинга лойиқ.

Тиниб-тинчимас Бобомурод ота 1996 йилда Буюк ипак йўлининг «Бухоро — Тошкент» йўналишидаги Зиёвуддин қўрғони атрофида хорижлик сайёҳларга турли маиший хизмат кўрсатувчи автокемпинг қуриш ташаббуси билан чиқди. Мазкур автокемпингни «Зафар — Осиё» масъулияти чекланган жамият қошида бунёд этиш мўлжалланди. Отанинг навбатдаги ташаббуси туман ҳокимияти томонидан қўллаб-қувватланиб, автокемпинг қурилиши учун уч гектар ер ажратиб берилди. Автокемпинг ҳозир сайёҳ ва бошқа йўловчилар хизматида.

Айни кунда отанинг яна бир ташаббуси қулоч ёймоқда. У раислик қилаётган «Зафар — Осиё» МЧЖ хорижлик сармоядорлар билан ҳамкорликда қўшма корхона барпо этиш мақсадида янги технологияга асосланган конфет, музқаймоқ, голланд пишлоғи ишлаб чиқариш цехларини қурмоқчи.

Ўз элига мададкор бўлган ота ўғиллари Ўткир, Шуҳрат, Акбарлар Пахтачи сут, «Зафар — Осиё» МЧЖ, автокемпингда бош иш юритувчи бўлиб, отанинг шодлигига шодлик қўшиб, элга муносиб хизмат кўрсатмоқдалар.

■ **Ўткир ПЎЛАТ**

«ИСТИҚЛОЛ» — ҲАМКОРЛИК МЕВАСИ

Чет эл инвестициясини юртимизга киритиш, кичик ва ўрта тадбиркорликка йўл очиш Ватанимиз келажагини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Уч йил аввал Янгийўлда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхонага асос солинди. Республика «Озиқовқатсаноат» концернига қарашли Ўзбекистон—Болгария қўшма корхонаси «ROSSI S. A.» номини олди. Корхонанинг асосий фаолияти қандолат маҳсулотлари — қадоқланган шоколад туркумлари, ҳар хил печеньелар, вафли, зефир, шоколадли зефир, қадоқланган асал каби ширинликлардан иборат эди. Жамоа ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифатига эътиборни қаратди. Ишлар юришиб, маҳсулотга эҳтиёж орта борди.

Кузатишлар корхона маҳсулотлари нафақат республика, балки ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам яхши харид қилинаётганлигини кўрсатди. Лекин эришилган муваффақият билан қаноатланмай мутахассислар изланишни давом эттирдилар. Шу тариқа йилдан-йилга меҳнат унумдорлиги ва сифат кўрсаткичлари бўйича собит қадам ташланди, муҳими барқарорлик таъминланди. Биз буни рақамларда ҳам кўришимиз мумкин. Айтайлик, бултур жами 237 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлса, амалда бу 440,2 тоннани ташкил этдики, бу фоизлар ҳисобида 185 ни ташкил этади. Демак, ишлаб чиқариш 1998 йилга нисбатан 5-6 марта ўсган.

Албатта, бундай ишлаб чиқариш қувватига эришиш меҳнат кучи билан юзага келади. Шунинг учун ҳам корхонада дастлабки йили 30 нафар киши жамоани ташкил этган бўлса, ўтган йил охирига келиб уларнинг сафи 120 нафарга етди. Сўзсиз, ҳар қандай ишлаб чиқариш қувватлари ошсаю, моддий манфаатдорлик йўлга қўйилмаса, меҳнат унумдорлиги ва сифат ҳақида фикр юритишга ўрин ҳам қолмайди. Шу боисдан корхона ишчиларининг маошларини вақтида, узлуксиз бериб бориш билан баробар уларнинг ҳақларини оширишга ҳам аҳамият бериляпти. Ўтган йил охирида ҳар бир ишчининг иш ҳақи 12 минг сўмни ташкил этган.

— Асримизнинг сўнгги йилида ҳам муносиб меҳнат қилишга, маҳсулот сифатини яхшилаб, турини кўпайтиришга аҳамият берилмоқда, — дейди қўшма корхона раҳбари Шуҳратжон Раҳимов. — Бугунгача кўзда тутилган 40 тонналик маҳсулот тайёрланди ва режа 185,3 фоизга етди. Шу кунларда корхонамизда «Истиқлол» деб номланган безакли ва сифатли қадоқланган шоколад туркумларини ишлаб чиқармоқдамиз. Корхона жамоаси олдида турган муҳим вазифалардан бири қандай бўлмасин, валюта кредити масаласини ижобий ҳал қилиб, янги технологияни келтириш ҳамда хомашё ва материаллар билан бойитиш устида саъй-ҳаракатлар қилишдир.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

БАНК ВА МИЖОЗ

«АСАКА» БАНКИ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА

Мустақиллигимизнинг ўтган 9 йили давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида банк тизимини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, бозор муносабатларига ўтиш даврида банклар — иқтисодий тикланиш ва соғлом иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи омилдир. Иқтисодий ислоҳотлар, эришилган натижалар ва энг асосийси, молиявий тизимдаги янгича ёндашувларда республикамизнинг етакчи ва ишончли банкларидан бири — ихтисослаштирилган давлат акциядорлик-тижорат «Асака» банкининг ҳам ҳиссаси катта. Барқарор ва самарали фаолиятининг натижаси ўлароқ, ушбу банк мана неча йилдирки, республикамиз молиявий муассасалари ичида рейтинги жиҳатидан иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Бу ерда банк хизматининг яхши йўлга қўйилганлиги нафақат мамлакатимизда, балки кўпгина халқаро молиявий институтлар тарафидан ҳам эътироф этилган. Жумладан, халқаро молия соҳасидаги нуфузли «The Banker» журнали жаҳондаги энг яхши ва ишончли 1000 та банк қаторига «Асака» банкини ҳам киритган. Бу рўйхатда банк 950-ўринни эгаллайди. «Асака» банки Ўзбекистоннинг жаҳондаги энг яхши банклар рўйхатига киритилган иккинчи банкидир.

Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги қутлуғ келди — банк Осиё банкирлари уюшмаси (ОБУ)га аъзо бўлди. Бунгача Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Ўзбекистоннинг уюшмадаги ягона вакили эди.

ОБУ жаҳондаги йирик молиявий институтлардан бири бўлиб, 1981 йилда Тайбейда (Хитой) Осиё ва Тинч океани савдо палаталари конфедерациясига хизмат кўрсатувчи марказ сифатида ташкил этилган эди. Эндиликда «Асака» банки ОБУ таркибидаги 120 дан ортиқ — АҚШ, Австрия, Франция, Германия, Италия, Голландия, Австралия, Россия, Янги Зеландия, Испания, Португалия, Япония, Жанубий Корея, Туркия каби мамлакатларнинг кўзга кўринган молия муассасалари билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Банкнинг уюшмага қабул қилиниши унинг мижозларига халқаро ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришга имкон яратди. Бундан ташқари, молия институтларининг жаҳон ташкилоти (WFDFI) орқали маълумотлар алмашиш, ОБУ аъзолари ва уларнинг мижозлари ўртасида қўшма бизнесни ташкил этиш ҳамда айрим аъзоларининг лойиҳаларида молиявий жиҳатдан иштирок этиш имконияти, молия институтлари билан доимий алоқаларни йўлга қўйиш, Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари ўртасида савдо, саноат ва инвестиция ҳамкорлигини кенгайтиришга ёрдам бериш каби кенг қамровли фаолият юритишга ҳам йўл очилди. Банк ишининг турли жабҳалари бўйича юқори малакали маслаҳатчи ва экспертлар хизмат кўрсатмоқдаки, бу молиялаштириш ишларини юқори поғонага кўтаришга имкон туғдиради.

Ҳозир «Асака» банки Осиё ва Тинч океани минтақаси молиявий институтларини ривожлантириш уюшмасига аъзо бўлиш арафасида турибди. Бунга эришиш учун эса хизмат кўрсатиш турлари жаҳон андозалари даражасида бўлмоғи лозим. Шу важдан банк хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида жойларда ўз филиалларини кўпайтиришга катта эътибор бермоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўзида Тошкент шаҳрида Сирғали ва Юнусобод филиаллари очилди. Шунингдек, Андижон шаҳрида Фарҳод, Тошкент шаҳрида Шайхонтохур ва Фарғона вилоятида Марғилон филиалларини очиш арафасида турибди. Бугунга келиб банкнинг фаолият кўрсатаётган филиаллари сони 22 тага етди.

Чет эл сармояларини Ўзбекистонга киритиш, халқаро молиявий институтлар билан молия-кредит алоқалари ҳажми бўйича ҳам «Асака» банки республикада етакчи банклардан бири бўлиб келмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида чет эл банклари билан яна қўшимча янги вакиллик шартномаларини имзолади. Сантандер (Испания), Париж миллий банки (Франция), Гипо Веренс (Германия) банклари шулар жумласидандир.

Банк ўзининг барча хизматларини замонавий компьютерлар ва телекоммуникация технологиялари орқали амалга оширмоқда. Халқаро молия операцияларини амалга оширувчи «Reuters Dealing 2000» ахборот-дилинг ва «Abraxys» умумлаштирилган тизимлари шулар қаторидандир. Бу тизимлар банк молиявий амалиётларнинг ишончлилигини яна бир бор кафолатлайди. Бундан ташқари, ҳисоб-китобларнинг қулай ва замонавий воситаси бўлган пластик карточкаларни тобора кенгроқ жорий қилмоқда. Бундан ташқари «Асака» банки банк амалиётларини амалга оширишнинг энг қулай технологиясини жорий этди, яъни мазкур технологияга асосан мижоз зарур амалиётларни ўз идорасида туриб амалга ошириши мумкин. Банк мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ушбу дастурий таъминот «Банк-мижоз» деб аталади. Ҳужжатларни, масалан, тўлов топшириқларини тайёрлаш, жўнатиш, қабул қилиш, жорий хизмат кўрсатиш, маълумотларни сўраш, излаш, хабар қилиш, бутун иш куни давомида ҳисоб рақамлари билан боғлиқ барча амалиётларни кузатиб туриш ва истаган пайтда ҳисоб рақамидаги ҳолатни қоғозга туширишни таъминлаш каби амалиётларни ўтказиш янги дастур доирасига киради. Шу тизим ёрдамида банк билан ахборот айирбошлаш, яъни маълум вақтда валюта қийматини аниқлаш ёки мижоз ўзи учун зарур бўлган маълумотларни тезда олиб фойдаланиши мумкин.



Банк тизимидаги ислоҳотларнинг муваффақияти, албатта, кадрларга боғлиқ. Ҳозирги пайтда «Асака» банки тизимидаги 1774 ходимнинг 520 нафари олий ва 170 нафари ўрта-махсус маълумотлидир. Жамоанинг аксариятини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Махсус маълумотга эга бўлган мутахассисларнинг салмоғи йил сайин ошиб бормоқда. Бунда Минтақавий банк ўқув марказида уюштирилаётган курслар, ТАСИС ва Халқаро экспертлар корпуси ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Банк вакиллик муомалалари», «Замонавий банк иши», «Чет эл валюталари муомаласи» ва шу каби турли мавзулардаги семинарлар, иқтисодий ўқувлар муҳим аҳамият касб этмоқда. АҚШнинг USAID ташкилоти «Банк назоратини ривожлантириш» лойиҳасига мувофиқ, янги бухгалтерия ҳисоблари ва молиявий ҳисобот андозалари бўйича ўқув машғулотларининг ўтказилиши ходимлар билимини жаҳон андозалари тажрибаси билан бойитди. Жорий йилнинг ўзида шу каби семинарларда 50 ходим қатнашди.

Банкнинг ОБУга аъзо бўлиши, унинг Жаҳон банки, БМТнинг ривожланиш дастурлари, UNCTAD/WTO (ITO), Жаҳон савдо маркази ва Германиянинг халқаро ривожланиш жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ўқув дастурлари ёрдамида таълимни давом эттириш ва мутахассислар малакасини ошириш имконини яратди. 30 дан ортиқ рахбар ва мутахассис ходим чет элларда амалиёт ва ўқув машғулотларида қатнашиб, хориж банк тизими билан танишиб қайтди.

Ҳозирги кунда ҳаммаси бўлиб олий ўқув юртларида 134 ходим, шулардан 111 нафари иккинчи мутахассислик бўйича олий ва ўрта-махсус ўқув юртларида таълим олмоқда, 4 ходим Молия-банк академиясига ўқишга кирди.

Ходимларнинг банк таълимини чуқур эгаллаши, уларнинг ўз вазифасига масъулият билан ёндашиши ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон даражасига кўтаришга омил бўлади.

■ **Бахтиёр ҲАМИДОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: банк фаолиятидан лавҳалар.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**

XXI АСР ЁШЛАРИ

«ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАШНИ СОҒИНДИМ»

Очиғи, ўқувчилик чоғларимда хорижда ўқиш у ёкда турсин, ҳатто, саёҳатга боришни ҳам хаёлимга келтирмагандим. Ҳозир эса... қизларимнинг бири Англияда ўқийман деса, иккинчиси Америкада ўқишни орзу қилади. Демак, фарзандларимизнинг орзулари, тасаввурлари бизникидан улуғ ва кенгроқ. Улар олам кўришни, юртимизга четдан туриб назар солишни ва энг мукаммал деб тан олинган дунё тажрибаларини ўрганиб кетишни истайдилар!

«Ниятинг — йўлдошинг» деб бекорга айтишмаган экан. «Умид» жамғармаси совриндорларининг ривожланган хорижий давлатларда билим олаётганликлари ниҳоятда қувончлидир. Улардан умидимиз катта.

Менинг бугунги суҳбатдошим Германиядаги Пассау университети банк-тижорат иши факультетининг III курс талабаси Улуғбек Ҳожиевдир.

Улуғбек — 22 ёшда. Таътилдан сўнг у яна ўқишини давом эттириш учун Германияга жўнаб кетди. Биз у билан сафар олдидан мулоқотда бўлдик.

— Улуғбек, Германияда ўқиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бу қандай юз берди? Сиз учун мақсадмиди, омадмиди ёки шунчаки тасодиф бўлдими?

— Болалигимдан: «Немис тилини ўрганаман, Германияда ўқийман деб мақсад қилгандим» десам ёлғон гапирган бўламан. Мен саккизинчи синфни тамомлаб Андижон давлат халқ хўжалиги институти қошидаги лицейга ўқишга кирдим. Ўша даргоҳда бизга немис тилидан Тоҳиржон ака деган домламиз сабоқ берган. Шу устозимнинг шарофати билан немис тилига нисбатан қизиқиш пайдо бўлди. Қисқаси, Германияда ўқишимга асосий сабабчи Тоҳир акам бўлган.

— Германия ҳақидаги тасаввурларингиз қанақа эди-ю, таассуротларингиз қандай бўлди?

— Тасаввурларим унчалик кўп эмасди. Шунчаки, Германия ривожланган мамлакат, ҳамма бой ва зиёли деб ўйлардим холос. Немис халқи тарихи, маданияти, урф-одати ва одамларининг феъл-атворларини бо́рганимдан сўнг ўргандим.

— Германиянинг сизга ниҳоятда манзур бўлганини кайфиятингиздан сезиб турибман. Айтинг-чи, ҳеч қийналган пайтларингиз ҳам бўлдими?

— Немис халқи жуда интизомли ва масъулиятли халқ. Бир жойга иш билан борсангиз, борганингиз учун хурсанд бўлиб қайтасиз. Ҳамма вақт улар сизни кулиб кутиб олишади, кулиб кузатишади. Лекин немисларга қўшилиб кетиш, улар орасидан дўст топишда аввал қийналдим.

— Улуғбек, нима деб ўйлайсиз, Ўзбекистондан борган ёшлар билан ўша ерда улғайган маҳаллий йигит-қизларнинг билими, савияси ва истеъдоди орасида қандай фарқлар бор?

— Фарқ шундаки, улар бизга нисбатан ҳаракатчанроқ. Ҳаракат қилишгандаям, албатта, бирон мақсадни кўзлаб интилишади. Қобилият масаласига келсак, уларни унчалик истеъдодли деб айтолмайман. Бу нарсани мен имтиҳон пайтларида сезганман. Бизнинг болаларимиз оз тайёргарлик кўришсаям яхши топширишади. Лекин бахтга қарши, баъзан ҳаракатчан ва меҳнаткаш одам истеъдодли инсонларга қараганда кўпроқ муваффақиятларга эришиши ҳам мумкин-да!..

— Сиз банк-тижорат иши факультетида ўқияпсиз. Икки йилдан сўнг ватанга қайтгач, бу борада нима ишлар қиламан деб мўлжаллаяпсиз?

— Тўғриси, мен ҳозир банк соҳасини мукаммал биламан деб айтолмайман. Билганим, Германияда бу соҳа ниҳоятда ривожланган. Банкларда асосан автоматлар ишлайди. Тўғри, баъзан бир-иккита одамлар ҳам кўзга ташланиши мумкин. Лекин улар ҳам мижозларни эмас, асосан автоматларнинг ҳаракатини назорат қилишади. Мутахассислик фанларини биз энди ўрганамиз. Шу пайтгача биз асос фанларни: математика, умумий иқтисод, информатика, инсон ҳуқуқи ва бошқарув ҳуқуқи каби фанларни ўзлаштирдик.

— Германиядаги ўқитиш тизими билан Ўзбекистондаги ўқитиш тизимини солиштирганда нималарни фарқладингиз?

— Германиядаги талабалар ниҳоятда эркин ва мустақил фикрли. Уларни ҳеч ким мажбур қилмайди, лекин жудаям кўп ўқишади. Шунинг учун ҳам уларнинг фикрлаш доиралари кенг. Истаган мавзуингизда суҳбатлашиб кетишингиз мумкин. Боя айтганимдек, албатта, улуғ бир мақсадни кўзлаб яшашади. Бизда эса аксарият ёшлар учун асосий мақсад олий ўқув юртига кириб олиш, қолгани эса «худо-пошшо» тарзида бўлади. Эсимда бор, биз бу ерда жаҳон тарихи, Ўзбекистон тарихи, фалсафа, эстетика, психология, маънавият дарсларини ҳам ўқиганмиз. Германияда эса бу фанлар асосан институтгача бўлган даврда ўқитилади. Асосий эътибор мутахассислик фанларини ўзлаштиришга қаратилади.

— Улуғбек, сизларни халқимиз катта умидлар билан кутяпти. Шуни сиз ва сизнинг тенгдошларингиз ҳис қиласизларми?

— Албатта. Суҳбатларимизнинг асосий мавзуси Ўзбекистон бўлади. Бирон яхши нарса кўрсак, шу нарсани бизнинг юртимизга ҳам татбиқ қилиш керак экан деган фикрга борамиз ва ўзлаштириб олишга ҳаракат қиламиз. Стипендия пулини тежаброқ ишлатишга, келажакда асқотадиган яхши китобларни сотиб олишга, қисқаси, керакли жойларга сарфлашга ҳаракат қиламиз. Хуллас, кўнглимизни Ўзбекистон ва ўзбекистонликларга бўлган ҳурмат ва муҳаббат туйғулари бутун қилиб туради-да!..

— Улуғбек, мана сиз чет элда икки йил яшадингиз. Шу пайт ичида сизга нималарнинг қадри кўпроқ ўтди? Нималарни қаттиқ соғиндингиз?

— Ўзбек тилида гаплашишни соғиндим. Ўзбекча нон, ўзбекча хулқ ва ўзбекча маданиятнинг қадри ўтди жудаям. Немисларда фарзанд 16 ёшга етгунча ота-она билан иноқ яшайди. Кейин ҳамма ўз ҳолича ҳаёт кечиради. Мен 65 ёшли Фра Бургхерт исмли аёлнинг уйида ижарада тураман. Унинг бир қизи бор, лекин 40 йилдан буён ёлғиз яшаркан.

— Демак, Германияда кексалик фасли у қадар ҳавас қиларли даражада эмас экан-да...

— Нима десамикин, кексалар моддий жиҳатдан умуман қийналишмайди, чунки уларни боқиш ва қарашни давлат ўз бўйнига олган. Мен ўқиётган Пассау шаҳрининг бор-йўғи 50 мингта аҳолиси бор. Лекин шундай кичкинагина шаҳарда ҳам 3-4 та қариялар уйи мавжуд.

Кўча-куйда кекса одамларни қандайдир паришон ва ғамгин ҳолатда учратасиз. Менимча, бу ёлғизликнинг таъсиридан бўлса керак. Бирор савол билан мурожаат қилиб қолсангиз ҳам улар беихтиёр хурсанд бўлиб кетишади. Азбаройи ёлғизликдан безиб кетишганидан бўлса керак уларнинг ҳаммаси албатта ёнида бирор кичикроқ кучукми, мушукми етаклаб, ўзларича улар билан гаплашиб юришади. Шунақа манзараларга кўзим тушганда, менга юртимизнинг қадри янаям ўтиб кетади. Меҳр-эътиборни, дарду қувончларимни эшитадиган одамларни соғинаман.

— Улуғбек, сиз бугун Германияга жўнаяпсиз. Лекин айтишингизча ўқиш бошланишига ҳали бир-икки ҳафта вақт бор экан. Бу вақт мобайнида нималар билан шуғулланмоқчисиз?

— Бизга шу ўқув йили давомида ўтиладиган 20-30 тача фанлар рўйхати анча илгари бериб қўйилган. Бу фанларни қай тартибда ўзлаштириш ва топшириш ўзимизнинг ихтиёримизда. Мен бу вақт ичида қайси фандан қачон имтиҳон топширишим кераклигини белгилаб режа тузиб чиқишим, керакли китобларга буюртма беришим керак. Яна ижара уйимни ҳам алмаштирмоқчиман. Янги шароитда янги одамлар билан яшаб кўрмоқчиман. Ҳозирги яшаётган уйим ҳам аслида менга жудаям ёқади. Ёнгинасидан Дунай, Инн, Илс дарёлари оқиб ўтади. Лекин янги жойнинг ҳавоси янги бўлади, одамга янги куч беради деб ўйлаб турибман. Ундан кейин янги дўст топиш ниятим ҳам йўқ эмас...

* * *

Улуғбек Ҳожиев билан суҳбатимиз ниҳоятда мароқли бўлди. Мен ундан кўп нарса олдим, кўп нарса ўргандим. Унда ҳар бир хатти-ҳаракатигагина эмас, ҳар битта айтаётган сўзига нисбатан ҳам жавобгарлик ҳисси борлигини сездим. Улуғбекнинг улуғ орзуларига ҳавасим келди. Уни дадаси Шарифжон ака, онаси Одина опа, тоғаси Расулжон ака ва акаси Ҳасанжонлар билан бирга: сенга фақат биз эмас, бутун Ўзбекистон кўз тикиб турибди, дея оқ йўл тилаб олис сафарга кузатиб қўйдик.

■ **Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЯНГИ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

Унинг ташкил қилиниши ташаббускорлари жанубий Қирғизистон ОАВнинг журналистлари ҳисоблана-ди. Агентликнинг асосий йўналиши — мамлакат жануби ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий янгиликларни демократик, холис нуқтаи назардан туриб ёритишдан иборат.

Янги ахборот агентлигининг тузилишига мамлакат жанубидаги юзага келган вазият, ОАВнинг сиқувга тушиб қолгани, воқеа-ҳодисаларнинг холислик билан ёритишга бўлган эҳтиёж ҳам сабаб бўлди. «Альянс-Пресс» май ойидан бошлаб икки номда газета чиқаришни йўлга қўйди. Булар бир-бирини такрорламайдиган қирғиз тилидаги «Жаны Муун», («Янги авлод») ва ўзбек тилидаги «Demostimes» ҳафталик мустақил нашрларидир. Улар Қирғизистон Республикаси ҳудудига тарқалади. Яқин кунларда газеталарнинг рус тилидаги сонини ҳам чиқариш режалаштирилган.



ИШДАН БЎШАТИЛДИ

Лос-Анжелосда жойлашган Америка мактабларининг бирида инглиз тили ўқитувчиси ишдан бўшатилди. Маълум бўлишича, у ўқувчиларга одам ўлдириш сирларини ўргатган. Ўқитувчи дарс вақтида ҳар бир ўқувчига ўзининг қурбонини танлашни, қотилликни амалга ошириш режасини тузишни, қотиллик вақтида қолган ҳар бир изни ҳеч ким билмайдиган даражада йўқотиш вазифасини берди. Бу вазифани ўқувчилар Эдгар Аллана Понинг ҳикоясини ўқишаётганида олишди. Бироқ эртасига мактаб маъмуриятига бу вазифани бажаришни хоҳламаган ўқувчилардан шикоят тушди. Уларнинг фикрича, бу вазифа Эдгар Аллана Понинг ҳикоясига ҳеч қандай алоқаси йўқ экан. Мактаб маъмурияти ўқувчиларнинг шикоятини ўрганиб, бу ажойиб ўқитувчини ишдан бўшатишга қарор қилишди.

ХИТОЙДА АЙИҚЛАР ФЕРМАСИ

Волжск экология ахборот агентлиги хабарига кўра, бугунги кунда Хитойда минглаб айиқлар махсус фермаларда қафасда боқилмоқда. Нега, дея қизиқишингиз табиий. Маълум бўлишича, бу айиқлардан сафро олинади ва қиммат нархда сотилади. Қадимги Хитой тиббиёти анъаналарига кўра, ундан бош оғриғига, жигар циррозига, жинсий заифликка ва бошқа кўпгина касалликларга қарши дори-дармон ҳамда махсус шампунлар тайёрланади.

Пул кетидан қувган фермерлар ҳатто Ер юзидан йўқолиб кетиш хавфида турган айрим айиқ турларини-да узоқ ўлкалардан мамлакатга олиб келиб, қафасга тиқишмоқда.

Шу кунларда 10 мингдан ортиқ айиқ ўта оғир шароитда — тор ва пастак панжарали қафасларда сақланмоқда. Уларнинг ҳатто қимирлашга ҳам имкони йўқ. Овқат эса тумшуғининг олдидаги кичкина тешикчадан берилади. Айиқларнинг бундай аҳволда узоқ муддат сақланиши, улар суяклари шаклининг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари айиқлардан сафро олиш механизми ҳам шафқатсизларчадир. Яъни, найчанинг бир учи улар ўт пуфагига тиқилади ва иккинчи учидан автосўрғич сафрони сўриб олади. Энди улар қандай оғриққа дош бераётганини тасаввур қилиб олаверинг. Бу азоблардан қутулиш учун ҳатто айрим айиқлар ўз жонига қасд қилиб, ўзларини ўлдиришмоқчи ҳам бўлишди.

Шунинг учун ҳам дунё экологлари ва табиатсеварлари Хитой маъмуриятига айиқларни қўйиб юбориш талабномалари билан мурожаат этишди ва бунинг бироз натижаси ҳам кўринди — ҳукумат айрим фермаларни ёпди.

■ **Жаҳонгир ТЎЙЧИЕВ тайёрлади.**

ДУНЁ САРИ ОЙДИН ЙЎЛ

Самарқанд шаҳрида «Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни» мавзуидаги минтақавий конференция бўлиб ўтди.

Кейинги пайтларда жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тизимларининг мавқеи ўсиб бориши баробарида, бу ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий турлари ҳам кўпайиб бораётгани кузатилянти. Биргина аёллар томонидан тузилаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ривожига назар солинадиган бўлса, бугунги кунда Самарқанд вилоятининг ўзида йигирмага яқин ана шундай тузилмалар фаолият кўрсатмоқда. Бу эса қўли гул усталаримиз ва чеварларимизнинг санъат асарлари даражасидаги нодир маҳсулотларни дунёга кенгроқ танитиш имкониятларини яратаяпти.

Минтақавий анжуман ишида вилоятлар ҳокимликларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, вилоятлар хотин-қизлар қўмитаси раислари, вилоятлар ҳокимликларининг солиқ, адлия, меҳнат ва бандлик, истиқболни белгилаш ва статистика бошқармалари ҳамда бўлимлари бошлиқлари, шунингдек, «Маҳалла» вилоят хайрия жамғармалари, «Тадбиркор аёл» ассоциациясининг вилоятлардаги бўлимлари, ҳар уччала вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Бундан ташқари, анжуманда БМТ Тараққиёт Дастури, Винрок Интернэйшнл, Америка Халқаро Тараққиёт Агентлиги, АҚШ элчихонасининг маданият ва ахборот бўлими, Глобал-Лойиҳа, Тинчлик корпуси, Америка юристлари ассоциацияси, Сорос жамғармаси, ЕХҲТ, Каунтерпарт Консорциум каби ўндан ортиқ халқаро жамғарма ва ташкилотлар муҳтасассислари қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов конференциянинг очилиш маросимида сўзга чиқди.

■ **Азамат ТОИРОВ**

ДАНИЯ ҚИРОЛЛИГИДА ҚИММАТЧИЛИК

Европада турлича тадқиқотлар ва сўровлар йиларо ўтказилиб турилади. Жорий йилда ҳам шундай бўлди: Ғарбда энг қиммат шаҳарни аниқлаш учун ўзига хос тадқиқот ўтказишди. Тадқиқот натижаларига кўра, Европа Иттифоқига кирувчи мамлакатлар орасида бу йил энг қимматчилик Дания қироллигида эканлиги ҳақида фикр этилди. Кундалик эҳтиёж моллари ва хизматлар учун бошқа давлатларга қараганда бу ерда нарх 1,5-3 баравар қиммат экан. Шунинг учун ҳам Дания мазкур йилда бу борада Франция, Англия, Германия сингари давлатларни ва ҳатто «энг қиммат шаҳар» деб «довруқ» таратган Швейцарияни-да ортда қолдириб кетди. Биргина мол гўштини мисол қилиб оладиган бўлсак, унинг 1 килоси Португалияда 4,5 доллар турса, Финляндияда — 6, Данияда эса 9 доллардир. Бироқ экспертларнинг айтишича, бу ўлчов муқим ва абадий эмас, нархлар ўзгарувчандир.

СЎЗ ВА СУРАТ

Каттақўрғон туманининг Мойбулоқ ширкат хўжалигида сўлим гўша бор. Бу қишлоқ қадимдан Жизмонсой деб аталади. Унда бир-биридан гўзал, дилбар уч дугона Зуҳра, Гавҳар, Юлдузлар истиқомат қилишади.

Айтишларича, меванинг энг ширинини қушлар ва болалар билишар экан. Уч дугона боғ оралаб сара, тилни ёрадиган узумларни териб, тенг бўлишмоқдалар. Болаларнинг ўз адолат тарозуси бўлади. Шундан бўлса керак, дунёнинг улкан шоирларидан бири «Болаларга дунёни берайлик» деган эди. Ҳа, ҳеч бўлмаса бир кунга, бир сонияга уларни покиза қалблари кўҳна дунёни ўз қўлларида тутиб турсинлар. Уч дугона ҳар тонг чиқаётган қуёшга қараб, шукрона айтишади.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

МЕҲР — УМР ЛАЗЗАТИ

АЗИЗ ОҒАМИЗ ТЎРА ЖУМАНГА

Қашқадарё боғрида Шаҳрисабз туман бор,
Унда шоир оғамиз камтар Тўра Жуман бор.
Мироқининг қўксида бадавлат бир хонадон,
Боғларида юз дарахт, яна сарву суман бор.

«Отамиз!» дейди ёшлар, кексалар дер «жўрамиз!»
Ана шундай дилкашдир бизнинг шоир Тўрамиз.
Қашқадарёга кимки бориб қолса аввало
Дейди ўшал беғубор инсонни бир кўрамиз.

Дўрмондаги боғимиз — адиблар гулшанида
Кўп яхши гап айтилур Тўра Жуман шаънига.

Шайхзода, Қаҳҳор ҳам шеърларини эшитиб,
Исинган Тўра Жуман суҳбатин гулханида.

Яхши ном бирла топмиш эл ичра ҳурмат, эъзоз.
Самимий, тоза инсон — қалби тўла баҳор, ёз.
Минглаб ғазалларини ўқийвериб бир четдан,
— Офарин! — деб юборди иниси Жума Ниёз.

■ **Жуманиёз ЖАББОРОВ**

ОЧИҚ

Меҳр, яхшилик учун ҳар қалбнинг йўли очиқ,
Эзгу иш қилганларга бахтларнинг гули очиқ.

Ҳимматлилар — қимматли, сахий қаерга борса,
Ҳамма томон — олд, орти, ўнги ва сўли очиқ.

Ўрин топмайди сира чақимчилар, бахиллар,
Ҳаётдан ўрин топар кимнингки кўнгли очиқ.

Меҳр — умр лаззати, музликларни эритар,
Меҳр, яхшилик учун ҳар қалбнинг йўли очиқ.

ЖАННАТГА АМАЛ ЭМАС...

Жаннатга амал эмас, яхшилик киритади,
Қобил фарзанд отани, онани шод этади.

Иш кўзини билганлар олади мўл-кўл ҳосил,
Иш кўзини билмаган экинни қуритади.

Ибодатнинг афзали — хурсандчиликни кутиш,
Сабрли одам қийин шароитдан ўтади.

Яхши хотини борлар кексаликда ёш каби,
Ёмон хотин эрини эртароқ қаритади.

АЛЛОҲНИНГ БАНДАЛАРИ

Аллоҳнинг бандалари, оғир, ювош бўлингиз,
Бир-бирингизга ғамхўр, содиқ йўлдош бўлингиз.

Тўғрилик, яқин бўлиш — ҳақиқий одамийлик,
Етим-есир, сағирга гўё кўз-қош бўлингиз.

Подшоҳлар Тангримизнинг ердаги соясидир,
Унга итоат қилинг, чин кўмакдош бўлингиз.

Ўқуви йўқ бўйсунса, ризқи бутун бўлади,
Қобилият зўр бўлса, ишларга бош бўлингиз.

ОЛГАНМАН

Ширин каломни лабинг, сўзларингдан олганман,
Сахийлигимни неъмат-тузларингдан олганман.

Хато ўқдек бўлмадим, етдим орзуга доим,
Яхши яшашни шодон кўзларингдан олганман.

Ғазалимнинг чиройли мисраси, хуш бўйини,
Эй ёрим, сочларингдан, юзларингдан олганман.

Ёниб меҳнат қилмоқни, ёниб шеърлар ёзмоқни
Олов қалбингдан, ёниқ кўзларингдан олганман.

■ **Тўра ЖУМАН**

ҚИЙИН, АММО КУРАШИШИМИЗ ШАРТ

Кимки «дом»да яшаса, билади — сувараклар нинг ярамаслигини. Уларга қарши курашавериб тинкангиз қурийди. Ҳеч таг-туги билан йўқотиб бўлмайди — энди тухумини қуритдим десангиз, маълум муддат ўтгач, яна пайдо бўлади. Лекин шундаям барибир тинчимаслигимиз керак, уларга қарши курашни давом эттираверишимиз лозим. Негаки, улар нафақат киши ғашини келтиради, балки ўта зарарли ҳамдир, яъни юқумли касалликларни ташувчи зараркунанда ҳисобланади. Аниқланишича, улар ўз таналарида 40 турдан ортиқ касаллик тарқатувчи микроорганизмларни, шунингдек, гижжа тухумларини олиб юраркан. Улар кўпинча катталар ва болаларда аллергия ҳамда кўксов хуружини келтириб чиқаради. Америкалик тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра, мушук ва канага қараганда сувараклар бир неча марта кўп аллергия қўзғатаркан.

Тахминий ҳисоб-китоблар бўйича, сувараклар АҚШда 50 фоиз хонадонни ишғол этган бўлса, Россияда бу кўрсаткич 60 фоизга етаркан.

Дарвоқе, сувараклар сил касаллигини келтириб чиқарувчи микробларни юқтириши ҳам аниқланди. Шунинг учун ҳам уларга қарши курашишимиз шарт. Шуниси афсусланарлики, улар шароитга тез moslашувчандир. Ҳозир қўллаётган барча дориларга уларда қарши иммунитет пайдо бўлганлиги аниқ. Эндиликда янги восита яратиш лозим.

ЁЗУВЧИНИНГ ШОВ-ШУВИ

Кейинги йилларда жаҳон миқёсида олиб қараганда ҳам ўз бадиий-шаклий оригиналлиги билан шов-шувга сазовор бўладиган асарлар деярли йўқ. Тўғри, ҳақиқий санъат асарига «шов-шув» атамасини қўллаш нолойиқ. Бу атама кўпроқ ижтимоий адабиётларга нисбатан қўлланиладиган бўлиб қолди. Яқинда Испанияда нашрдан чиққан кубалик мухожир ёзувчи Норберт Фуэнтеснинг «Кубанинг нозик жангчилари» асари ўзининг сиёсий характерига кўра катта шов-шувга сабаб бўлди. Фуэнтес ака-ука Фидел ва Раул Кастроларнинг яқин кишиларидан бири эди. Аммо мазкур асарда «Озодлик ороли»да ҳукм сураётган сиёсий тизимнинг очиқ танқидга олиниши, айтиш мумкинки, Фуэнтесни «Озодлик ороли»нинг душманларидан бирига айлантирди.

Ҳаммаси аниқ сценарий асосида амалга оширилганга ўхшарди. 1994 йилнинг августида Мексика президентининг шахсий самолёти ўз ватанидан чиқиб кетиш истагида юрган таниқли ёзувчи Норберт Фуэнтесни Гаванадан олиб кетди. Ватанни тарк этиш Фуэнтес учун осон кечмаганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мухожирлик мақомига у очлик эълон қилиш оқибатида эмас, балки машҳур колумбиялик ёзувчи Габриэль Гарсия Маркесни ишга солиш эвазига эришди. Маркес яқин дўсти Фидел Кастродан Фуэнтесни «Озодлик ороли»дан бадарға қилишга рухсатни анча пайтгача ололмай юрди. Бу музокараларга АҚШ Президенти Билл Клинтон қўшилгандан кейингина ёзувчининг Кубадан чиқиб кетишига рухсат берилди. Шунда ҳам Фидел Маркесга писанда қилишни унутмади.

«Яхши, — деди Фидел Маркесга, — майли, кетаверсин. Аммо ҳали ўзинг бу шахсга ёрдам берганинг учун афсусланасан».

Фидел ёзувчини ҳақиқатдан яқиндан билган кўринади. Чунки Фуэнтеснинг эсдаликлари сифатида нашрдан чиққан бу асарда Нобель мукофотининг совриндори Гарсия Маркес ҳам асосий қаҳрамонлардан бирига айланган. Хусусан, Маркес ва Фидел Кастро ўртасидаги қалин дўстлик танқид қилинади, ака-ука Кастролар томонидан ёзувчига бир умрлик фойдаланиш ҳуқуқи билан топширилган уй ҳақида тўхталиниб, Маркеснинг Гаванага тез-тез ташриф буюриши кубалик махсус хизматчиларга адабиёт намояндаларини доимий назорат остида ушлаб туриш имкониятини ҳам берарди, деган хулосага келинади. «Бўлмаса, — дейди муаллиф, — диктатор ва гуманистик адабиётнинг йирик намояндаси ўртасидаги бу узоқ дўстона муносабатларни нима билан изоҳлаш мумкин?».

Ҳақиқий машҳурлик Фуэнтесга 1980 йилда Эрнест Хемингуэйнинг Кубадаги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи китоби чиққач насиб этди. Бу китоб тезда дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинди. Ва шу машҳурлик орқали у Гавананинг юқори — диктаторлар қатлами билан яқинлашди. Хусусан, Фиделнинг укаси, мудофаа вазири Раул билан танишади. Раул уни Никарагуа, Эфиопия, Анголада жанг олиб бораётган Куба интернационалистлари сафига қўшилишга жалб этади. Фуэнтес Кубанинг машҳур раҳнамо йўлбошчилари қаторига қўшилади.

Раул Кастронинг ёзувчининг уйига шахсий ташрифлари ва тонгга қадар чўзилган суҳбатлар асосида у мудофаа вазирининг энг ишонган одамларидан бирига айланади. Ўша пайтда АҚШ блокадаси билан ўралган Кубадан ёлланган контрабандачилар ёрдамида Америкага гиёҳванд моддалари етказилаётганлигини ҳам Фуэнтес Раулдан эшитади.

«Эшитган нарсаларимни англаш учун анча вақт керак бўлди, — деб тан олади ёзувчи. — Куба гиёҳванд моддаларни тарқатувчи асосий пунктга айланиб қолганди. Мен ҳатто МРБ ҳам бундай бўҳтон тўқий олмаса керак деб ўйлардим. Бироқ буни менга мудофаа вазирининг ўзи айтиб бераётганди».

1989 йилда АҚШ Кубанинг расмий равишда гиёҳванд моддалари контрабандаси билан шуғулланаётганини бутун дунёга исботлаб берганда, Куба қўмондонлиги барча диктаторларга хос усулни қўллади — гуноҳкорларни ўз яқинларидан топишди. Қурбонлар Фуэнтеснинг яқин дўстлари — генераллар Арнолдо Санчес ва Патрисио дела Гуардия бўлиб чиқди. Наркобизнесда айбланган офицерларни ҳарбий суд муҳокама қилди ва унда шахсан Раул Кастронинг ўзи нутқ ирод этди. Генераллар Кубанинг халқаро обрўсига путур етказишгани учун отувга ҳукм этилди.

«Мен бугунгача ўтган йиллар даҳшатидан ўзимга келолмайман, — деб якунлайди асарини Норберт Фуэнтес. — Бу мемуарларни қасд олиш иштиёқида ёзаётганимни ҳам тан оламан».

■ **А. БОБОЕВ тайёрлади.**

Норберт Фуэнтес ака-ука Кастролар билан.

ФУТБОЛ

ДАРВОЗАНГГА СИҚҚАНИЧА ОЛ!

Шундай бўлди. Ҳеч ким ўйламаган, хаёлига ҳам келтирмаган нохушлик. Тўғри, Япония терма жамоасининг Ливанда ўтказилаётган Осиё чемпионатига алоҳида тайёргарлигини билардик. Шундай бўлса-да, қандайдир дуранг ҳисобига кўпчиликда умидворлик уйғонганди. Афсуски, барча умидлару башоратлар йўққа чиқди. Футболчиларимиз умуман ўйнашмади, десак муболаға бўлмас. Дарвозадан бирмас, икки эмас, саккизта тўп ўтказиб юборилишини қандай тушуниш керак? Футболимиз тарихида бунақаси бўлмаганов. Ахир миллионлаб мухлисларнинг кўнглига, футболимиз тарихи ёрқин саҳифасига ўчмас доғ бўлди-ку! Мана сизга моҳир дарвозабонга ишониш. Мана сизга легионерларга умид боғлаш. Уларни вақтида жамламаслик, халқаро учрашувларда маҳоратларини оширишга зўр бермаслик. Назаримизда, япон футболчилари эрмакка гол уриш билан ҳузурландилар. Албатта, бунинг сабабини ўрганиб, таҳлил қилишар. Барибир Ўзбекистон футболи олдида турган муҳим муаммо—моҳир футболчилар тарбиялашга зўр берилмаса, ҳалибери юзимиз ёруғ бўлиши қийинга ўхшайди. Олдинда эса жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари турибди-я.

Ҳозир «А» гуруҳидаги Ироқ ва Эрон, «В» гуруҳида Хитой ва Қувайт жамоалари 4 тадан очко тўплаб, курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритишга зўр бермоқдалар. Япон футболчилари эса 6 та очко билан ҳал қилувчи баҳсларга йўлланмани нақд қилиб қўйишди. Бу гуруҳда Қатар футболчилари ҳам Саудия Арабистони жамоаси билан ўйиндан (0:0) кейин очколарини 2 тага етказиб олишди. Саудия Арабистони ва Ўзбекистон футболчиларида биттадан очко бор. Бу иккала жамоанинг эртага бўладиган учрашувининг қандай кечишини эса тахмин қилиш ҳам қийин.

Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент халқ хўжалиги институти томонидан Халилов Ахтамжон номига 01.07.1982 йилда берилган 4К-1 №277906 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета **220** Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси **220** Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

КЎЧМАС МУЛК — КЕТМАС ДАВЛАТ

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали 2000 йил 1 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларга таклиф этади.

САВДОГА ҚУЙИДАГИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҚЎЙИЛАДИ:

1. Чирчиқ тиббиёт билим юртига қарашли «Ваз-2121», д-р 01-49 ТШВ, *бошланғич нархи — 119000 сўм.*
2. Олмалиқ шаҳри ҳудудий тиббиёт бирлашмасига қарашли «Раф-22031», д-р 06-54 ТШР, *бошланғич нархи — 153000 сўм.*
3. Олмалиқ шаҳри ҳудудий тиббиёт бирлашмасига қарашли «Раф-22031», д-р 56-83 ТШП, *бошланғич нархи — 153000 сўм.*
4. Олмалиқ шаҳри ҳудудий тиббиёт бирлашмасига қарашли «Ваз-2121», д-р 06-02 ТШС, *бошланғич нархи — 149000 сўм.*
5. Бўка тумани марказий касалхонасига қарашли «Раф-22031», д-р 01-32 ТШР, *бошланғич нархи — 153000 сўм.*
6. Бўстонлиқ тумани «Бўстонлиқ АТП»га қарашли «Лаз-695Н», д-р 81-88 ТШС, *бошланғич нархи — 487000 сўм.*
7. Оҳангарон шаҳар «Магнит» комбинатига қарашли «Газ-31029», д-р 11АЕ 254, *бошланғич нархи — 380000 сўм.*
8. Оҳангарон шаҳар «Ёшлик» техник станциясига қарашли «Зил-130», д-р 02-69 ТШР, *бошланғич нархи —80000 сўм.*

Шунингдек, аввалги савдоларда сотилмай қолган ер майдонлари, иншоотлар ва автотранспортлар ҳам навбатдаги савдоларда сотилиши мумкин.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона. Тел.: 133-28-52, факс: 133-49-31

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни 2000 йил 15 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент вилоят ҳокимиятида ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларга таклиф этади.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Оҳангарон шаҳар «Дружба» кўчасида жойлашган сатҳи 415 кв.м. бўлган 2 та ер майдони. Ҳар бир ер майдонининг *бошланғич нархи — 123960 сўм.*
2. Оҳангарон шаҳар «Мустақилликнинг 5 йиллиги» кўчасида жойлашган сатҳи 592 кв.м. бўлган 1 та ер майдони. *Бошланғич нархи — 80088 сўм.*
3. Оҳангарон шаҳар «Чўлпон» кўчасида жойлашган сатҳи 570 кв.м. бўлган 2 та ер майдони. Ҳар бир ер майдонининг *бошланғич нархи — 57855 сўм.*

Шунингдек, аввалги савдоларда сотилмай қолган ер майдонлари, иншоотлар, автотранспортлар ҳам ушбу савдода сотилиши мумкин.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона. Тел.: 133-28-52. Факс: 133-49-31.

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат ва ҳуқуқ — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-38-55, 133-47-80
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи Соҳибжон САЛИМОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи Икром ИСМОИЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 702

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 23.30
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА